

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14312901>

Ш.Х.Абдуллаева

*Тошкент давлат шарқшунослик университети, “Педагогика ва психология”
кафедраси мудири, психология фанлари доктори, профессор*

Аннотация

Мазкур мақолада масофавий таълим, модулли-кредит тизимининг ўзига хос педагогик ва психологик хусусиятлари ёритилади. Қолаверса ушбу мақолада замонавий таълим, модулли-кредит тизими асосида ўқув фаолиятига интерфаол ёндашувнинг таъсирчат теънологиялари ва уларни қўллаш имконияти ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Аннотация

В статье описаны специфические педагогические и психологические особенности дистанционного обучения по модульной кредитной системе. Кроме того, в статье представлена информация об эффективных технологиях современного обучения, интерактивном подходе к учебной деятельности на основе модульно-кредитной системы и возможности их применения.

Annotation

This article describes the specific pedagogical and psychological features of distance learning, modular credit system. In addition, this article provides information on the effective technologies of modern education, interactive approach to educational activities based on the modular-credit system and the possibility of their application.

Коронавирус (COVID-19) балоси инсоният, шу жумладан таълим тизимидаги бир канча эстермал ўзгаришларни талаб этди. Таълим тизимидаги. Юртимиздаги коронавирус (COVID-19) вазиятида ўрнатилган карантин қоидаларига тўлақонли амал қилиш, жумладан масофадан ишлаш коронавируснинг юқиш ва тарқалишини олдини олишга қаратилган энг самарали усуллардан бири ҳисобланди.

Бироқ масофадан ишлаш инсонларни рухиятида маълум даражада ўзгаришларни содир қилади. Яъни инсонлардаги «адаптация» – айти мухитга мослашиши, «ўз-ўзини англаш» – айти вақтдаги ҳолат билан боғлиқ

англаш жараёни, «ижтимоийлашиш» – айна вақтдаги нормаларга, қоидаларга киришиш ва уларни ўзлаштириш, «муносабат тизими» – ҳолатларга, вазиятларга нисбатан муносабати (ижобий, салбий, объектив, субъектив, пессимистик, оптимистик, негатив, позитив, реал, виртуал), «стереотип» – айна вақтдаги ҳолат билан боғлиқ шаклланган шаблон фикрлар, «миш-мишлар», «дезинформациялар» каби ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари масофавий ишлаш инсонлардаги касбий кўникмалар, шахслараро муносабатлар, касбий кундалик одатлар ва шу каби бир қанча нормаларда ўзгариш содир қилади. Инсон руҳияти учун мазкур ҳолатлар экстремал вазият ҳисобланади.

Коронавирус (COVID-19) қўштирноқ ичида олий таълим тизимида ҳам бир қатор ижобий ислоҳларни юзага келтирди, яъни масофадан ишлаш, онлайн дарслар, Модулли-кредит тизими шаклланиши ва мазкур тизимни таълими тизимига интеграция ва трансформациясини тезлаштирди.

Қолаверса бугунги Янги Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида ижтимоий-иқтисодий янгиликлар, таълим тизимида мисли кўрилмаган кенг кўламли ислохотлар йўли ва мазкур йўналишда хорижий тажрибани модификациялаш билан соҳада тараққиёт сари одимлаб бормоқда.

Ижтимоий ислохотларнинг асосий мақсади бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрин эгаллашимиз, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқлиги билан боғлиқ жиҳатларга бориб тақалади.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бутун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

Ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, калбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган бекиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир. Зеро, бу масаладаги туб ислохотлар мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ бошланган.

Қолаверса юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳани давлат бюджети харажатлардаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Шундай экан бугунги таълим тизимида замонавий модулли-кредит тизими талабаларни тафаккурнинг креативлиги мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги каби сифатлари ва мустақил ва эркинроқ таълим олишининг асосий кафолатидир. Мазкур мураккаб вазифа педагоглариимиздан модулли-кредит тизимида янги, инновацион самарали педагогик технологияларни қўллай олиш компетентлиги билан боғлиқ масалаларда ўзига хос қийинчиликларни вужудга келтираётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яъни ушбу масалада айнан кўпроқ кўзга ташланаётган учта муаммо, биринчидан, педагоглариимиз томонидан масофавий дарсларда қўлланилиши лозим бўлган ва айни вақда кенг хорижий методологик асосига эга бўлган интерфаол педагогик технологияларни саралаб олиш, иккинчидан, мазкур педагогик технологияларни ўзбек ментал педагогикасига модификация қилиш ва учинчидан, ушбу педагогик технологияларни ўқув фаолиятида қўллаш кабилардир.

Бунинг учун, барча фан ўқитувчиларини инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини ошириб бориш лозим.

Ўзлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ, олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга этказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Таълим тизимида замонавий модулли-кредит тизими профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун жуда кўплаб афзаликларга эгадир.

Замонавий модулли-кредит тизими Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларда ахборот технологиялари, электрон дарсликлар ва мультимедиалардан фойдалана билиши каби компетенлигини бойитиб боради.

Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истикболда касбий маҳорат орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади. Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади.

Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педогогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади.

Замонавий модулли-кредит тизими асосида ташкил этилган ўқув - тарбия жараёнида педогогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқувчиларнинг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабалардан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Модулли-кредит тизимида ҳар қандай интерфаол педагогик технологиянинг ўқув - тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, талабани ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ. Педогогик технология асосида ўтказилган

машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирилган билимларни ўзлари тамонидан баҳолашга қодир зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Замонавий модулли-кредит тизими асосида ўқув фаолиятига интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Интерфаол методлар: «Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари»), «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Сухбат» ва б. Стратегиялар: «Ақлий ҳужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинама-зина», «Музёра», «Ротация», «Т-жадвал», «Юмалоқланган қор» ва ҳ.к. График органайзерлар: «Балиқ скелети», «БББ», «Концептуал жадвал», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва б. Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади.

Модулли-кредит тизими замонавий таълимнинг энг такомиллашган шакли саналади. Бугунги кунда таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги концепцияси - замонавий инновацион таълим технологияларнинг турли хил кўринишларини қўллаш жуда яхши самара бермоқда. Бунда таълимнинг янги методлардан фойдаланишда таҳсил олувчиларнинг интеллектуал, эркин фикрлашни ривожлантириш, ўз фикрини асослаб беришга интилиши, ўзгалар фикрини тинглай олиши, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиши, ижодий ва ахлоқий тараққиёти жараёнларига самарали таъсир этади.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида таълим методларидан фойдаланганда, аввало, бу методдан фойдаланишнинг ўрни, унинг самарадорлигини билиши муҳимдир. Бунинг учун ҳар бир педагог ҳаётий тажрибага эга бўлган, етарли билимлар билан қуролланган, таълим олувчиларга нисбатан муаммоларнинг ечимини олдиндан ҳал эта оладиган ва уларни таълим олувчиларга етказиш малакасига эга бўлиши лозим.

Шунингдек, инновацион технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда замонавий модулли-кредит тизими таълими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштиришга ва ўзлаштирилган билимларни мустақил баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қила олувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда барча олий таълим муассасаларининг замонавий модулли-кредит тизимидаги ўқув-тарбиявий жараёнида ўқитувчининг касбий маҳорати, касбий компетентлиги, ҳаётий тажрибаси, замонавий ўқитиш услублари-интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.